

YOSHLAR OVOZI

MUNOSABAT

Навоий орзуси Рўёбга чиққай

Ҳақим ака ва унинг онасини қишлоқда барча хурмат қилади. Одамлар бу онага нега ўзгача меҳр билан муносабатда бўлишини билмасдим. Бир кун у кишининг уйига бордим. Ҳовлиси чинидек тоза, йулакнинг икки ёнига гуллар экилганини кўриб, кўнглим ёришди. Эрталаб уйқудан туриб юзини юваётган уч яшар мезбон бола аввал менга салом берди. Сўнг болаларга хос ширинсуханлик ила кутиб туришимни айтиди, уйга кирди.

Ҳақим ака ҳам мен билан илқ сўзлашди. Илтимосини бажониди қабул қилди. Ишим битиши мумкинлигини, у киши имкон қадар ёрдам беришини билиб қайганимда кайфиятим чоғ эди. Аммо бунинг аниқ бир сабабини билмасдим. Зеро, Ҳақим ака ҳам бошқалар каби олдий сўзларни айтган, лекин ана шу содада муносабатда меҳр уфуриб турарди. Шу ҳақида уйлаб юрган чоғимда Ҳақим ака ҳақидаги сўхат кўлогимга чалинди. Қизгин муҳокама пайтида Чори бобо Ҳақим акага бир сўз билан баҳо бериб: "Унинг юраги тоза!" — деди.

Юксалтириш, уларнинг барча жабдада фаоллигини оширишди. Том маънода бу лойиҳага комил инсон тарбияси бош ғоя қилиб олинган.

Биргина Сирдарёнинг Боёвут туманида ушбу лойиҳа асосида амалга оширилган ишлар қўламага назар солсак, унинг қамрови ва самараси нақадар бекиёс эканини ҳис этамиз. Урганиш маълум бир соҳа билан чекланиб қолмади. Тарбиёт гуруҳи халқимизнинг соғлом турмуш тарзидан тортиб, уларни фаол ижтимоий ҳаётга қайтариш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, айниқса, ҳозирги глобализация даврида ўз фикри, дунёқарошига эга бўлиш каби жиҳатларга эътибор қаратган. Мухтасар айтганда, Навоий бобомиз орзу қилган комил инсонни камол топтириш кўзда тутилган.

Урганиш давомида аҳоли чуқурлаштирилган табибий-қўриқдан ўтказилди. Очқиқ гап, ҳар доим ҳам соғлиғимиз учун қайғувермаймиз. Қачонки, даргага чалинсақ, ноилж шифохона эшигига бош ураимиз. Боёвутда аҳолининг барча қатлами табибий қўриқдан ўтказилиб, уларга нур-йўриқ кўрсатилди, даволаниш учун йўланма берилди. Бу юртошларимизга ўз соғлиғига бефарқ бўлмадик шартлигини эслатди.

Уқшдан тўхтаган одам фикрлашдан тўхтамайди. Шу маънода лойиҳа доирасида "Библиобус" — кўчма кутубхона орқали ўқувчи-ёшларга минглаб нусхада бадий китоблар бепул тақдим этилди. Уларни имтиёзли нархларда сотиш йўлга қўйилди. Бу эса, олис манзилда яшаётган юртошларимиз учун айна мудао бўлди.

Яна Ҳақим ака ёдимга тушди. У кишининг фарзандлари ўқишдан бўш вақтини томорқада ўтказди. Тинимсиз меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам уларнинг ниябларга, ўсириллар орасида бўлиб турадиган тўс-тўполонларга вақти йўқ. Лекин ҳар кун майдонга қатнаб, машқ қилади. Кураш мусобақаларида доим биринчилар сафидан жой олади. Билимлар беллашувида ҳам фаолликни кўздан бермайди. Шу боис барча бу онага ҳавас қилади.

"Обод кўнгли" лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам аслида халқимиз орасида мана шундай оналар сафини кенгайтиришдир. Шундай экан, ҳар биримиз унда фаол иштирок этишимиз керак. Зеро, инсон кўнглидаги ижобий ўзгаришлар ажадлар орзу қилган комилликка етаклайди.

Боборован ҒОЗИДИНОВ

ЁШ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛАР ФЕСТИВАЛИ



Наманган вилояти Учқўрғон туманида "Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — фаолиятининг муҳим йўналиши" шiori остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон муҳофазасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши томонидан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Фестивалда "Ватанпарвар" ташкилотининг шаҳар ва туманларидаги муассасаларида шуғулланаётган ўқувчилар спортнинг техник ва амалий турлари бўйича билим ва маҳоратини намойиш қилди.

— Фестиваль спортнинг техник

ва амалий турларини янада оммалаштириш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг руҳий ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган билан аҳамиятлидир, — деди "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши раиси Аҳмадjon Алахожаев.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Қаҳрамон Қуранбаев ёш ҳарбий спортчилар билан мулоқотда бўлиб, уларни эришаётган ютуқлари билан тақдирлади.

Спорт мусобақаларида фаол иштирок этаётган ёш спортчилар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири

ТААССУРОТ

Сема ЭКБЕРОВА:

"БОКУДАН ДҲППИ ҚИДИРДИМ"

Ижтимоий тармоқда ўзбек тилида мукамал сўзлашиб, юртимиз ёшлари билан фикр алмашаётган озор қизи эътиборимни тортди. Яқинда коллежни битирган бу қиз билан сўхбатлашганини хоҳладим. Буни қарангки, у тилимизни ҳам анча ўзлаштиришга улгурди.

— Ўзбек ва озорларнинг тили, дини, анъанаю урф-одатлари ҳам бир-бирига жуда ўхшаш. Яқин-яқингача Ўзбекистон ҳақида деярли ҳеч нарса билмасдим. Интернет орқали ўзбек қўшиқларини тинглаб, фильмларини кўра бошладим.

Ишонмаслигингиз мумкин, аммо 15 кун ичида ўзбек тилини анча ўзлаштириб олдим. Бунинг сабаби халқингизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳамда тилимизнинг ўхшашлиги эди.

Ўзбек тилида турли адабиётлар ўқиб, буюк саркарда Амир Темур, мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти билан яқиндан танишдим. Абдулла Ориповнинг

шеърларини мўтолаа қила бошладим. Ижтимоий тармоқда ўзбек дўстлар орттирдим. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонга саёҳат қилиш ҳисси янада кучайди. Ахир, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал-ку. Бухоро, Самарқанд, олтин водийнинг Фарғона, Андижон, Наманган каби шаҳарларини интернет орқали томоша қилдим. Бу қадимий, тарихий ўлкада ҳаёлан кездим... Излай-излай Бокудаги бир дўкундан юртингиз байрогини топиб олдим. Уша дамдаги қувончимни ҳатто тасаввур эта олмайсиз. Бироқ ўзбекингиз фахру гурури билан дўппини сира топа олмаганим.

Сизларда ажойиб бир мақол бор: "Ният қилган етар муроғат". Мен ҳам яхши ният қилган эдим, мана етдим. Шу йилнинг 20-26 март кунлари Наврўз байрами муносабати билан шахримиздаги "Bahar Qalasi" да қўнғилочар ярмарка бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонасининг ташаббуси билан ўзбек халқининг заргарлик буюмлари, миллий мато ва либослар, ёғоч ўймакорлиги ҳамда кулчилик буюмлари, фольклор, амалий санъат намуналари ҳам намойиш этилди. Биз шу кун юртингизнинг ўзига хос жиҳатларини яқиндан ўрганиш, ҳавас қилдик.

Ўзбек халқи бағрикенг, қўли очиқ, деб бежиз айтилмаган экан. Шу кун ордуним ушалади — қўли гул хунарманда Моҳира Султонова менга дўппи совға қилди. Чексиз миннатдор бўладим.

26 март кун Озарбайжоннинг "Space" канали "Olar Olmaz" кўрсатуви юртимиз меҳмонлари — ўзбекларнинг яшаш тарзи, миллий қўшиқ ва рақслари, шунингдек, таомлари бўйича махсус кўрсатув намойиш этди. Биз шу кун кўлаб маълумот олдик. Ўзбек ва озорларнинг узоқ йиллик



дўстлик ришталари янада муштаҳамланаётганидан жуда қувондик.

Ўзбек дўстларим кўпайгани сари ўзимни худди ўзбекдек ҳис эта бошладим. Энг катта ордуним — Ўзбекистонга бориб, у ердаги тарихий қадамжоларни зиёрат қилиш, ўзбек адабиёти билан танишиш. Бундан ташқари, юртингизда ёшлар учун яратилган имкониятларни ўз кўзим билан кўрмоқчиман. Уйлайманки, орзуларим амалга ошадди.

Тўмарис АЪЗАМ
ёзиб олади.


НОРИН: ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ АҲВОЛИ РУҲИЯМИЗГА БОҒЛИК



Норин туманини ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида республикадаги намунали туманга айлантириш мақсадида иш бошлаган 13 та гуруҳ ижтимоий-маънавий муҳитни, аҳоли, айниқса, ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва дунёқарошини юксалтириш, аҳолини табибий қўриқдан ўтказиш ва улар орасида табибий маданиятни шакллантириш борасидаги масалаларни ўрганмоқда.

3-саҳифага қаранг

ДАБДАБАСИЗ ДАВРАДА НУР БҲЛАДИ



4

TENG IMKONIYATLAR JAMIYATI

ФАРҒОНАДА БИР ЙИГИТ БОР...

Хизмат сафаридан фойдаланиб, олтин водийдаги ёш ижодкорлар ҳақида маълумотлар тўпладим. Унда фарғоналик бир бола эътиборимни тортди. Уни кўришга ошқидим ва йўлга тушдим.

Саккиз жондан иборат катта бир оилани ўз ичига олган пастанам унинг файзи бўлакча эди. Хонадон эгалари билан сўхбатлашар эканман, нигоҳим фақат ўша йигитни изларди. Гап орасида Улўбек

ҳақида сўрадим. Онанинг кўзи жинжақ ёшга тўлди, гапиришга шайланяпти-ю, негадир овози бўғиқ чиқарди. Билишимизча, 2001 йилда 13 ёшли Улўбекнинг бош миёнада ўсимта борлиги аниқланиб, жарроҳлик амалиёти ўтказилган, аммо шундан сўнг унинг кўзлари ожиз бўлиб қолган экан.

Улўбек бундан тушунликка тушмайди, аксинча, унинг шижоати, ўқишга бўлган иштиёқи

кучайиб боради. Ўрта махсус таълимни ало баҳоларга тамомлаганидан кейин олий ўқув юртига кириш учун зарурий фанлардан тайёрланади. Биринчи ҳаракатдаёқ, у Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетига қабул қилинди.

Устозларининг айтишича, Улўбек дарсларни умуман қолдирмас, ҳаттоки маърузаларни диктофонга ёзиб олиб, кейинчалик ҳам

ўзи мустақил тайёрлар экан.

Бакалаврият босқичидан сўнг, у магистрик дипломига ҳам эга бўлди.

Мана 2016 йилдан буён у Фарғона шаҳридаги Қўзи оқизлар махсус мактаб-интернатида тарих фанидан дарс беради. Бўш вақтларида шеърлар ёзиб, кўя басталайди.

— Брайль ёзувида бадий адабиётлар, аудио китоблар тайёрлаш ниятим бор, — дейди қаҳрамонимиз. — Ишонсангиз, ичимда олов ёнади, зум бўлса-да, буш қолмасам, дейман. Эҳ қатори Ватанимга, халқимга фойдам

терга, шунчаки яшамасам, деган ўйда тинимсиз ҳаракат қиламан. Ило, биз учун барча имкониятлар берилган экан, бундан фойдаланмасак уят бўлар.

Фарғонадан улўғ бир ифтихор билан қайтдим. Кўнглим кўтарилди, қарашларим ўзгарганини сездим. Мамлакатимизда Улўбекдай виждони пок, гурури осмон тенглошаримиз бор экан, музаффар ҳаёт байроғи ҳамиша баланд ҳилрайиберади.

Муҳайё ПИРНАҒАСОВА,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

NUQTAYI NAZAR

АУДИТОРИЯ АЙБДОР ЭМАС...

Дишлоабону АВВАЛБОВЕВА

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган ва лозим бўлганда уни ҳимоя қила оладиган кишилардан иборат жамият кучи бўлади. Ўтган чорак асрдан зиёда вақт давомидан юртимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлида қатор ислохотлар амалга оширилди ва бу борада муайян натижаларга эришилди. Бироқ мазкур йўналишда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар бисёр.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоиздан зиёди ёшлардир. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама етук авлоди камол топтиришдек устувор мақсад мужассам. Хусусан, бу жараёнда наврасталарнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтиш мумкин, бу масала ҳусусида сўз юритиб, куйидаги фикрларни билдирган эди: "Ҳаммаиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш бу — ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала — уларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас".

Савол туғилади: ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида қўллаб-қўллаш амалга ошириб келинган қарамай, нега ҳануз фуқароларнинг

ҳуқуқий саводхонлиги кунгилдагидек эмас? Ахборот асри деб аталаётган ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларига нафақат ахборот олиш, балки жамиятдаги ижтимоий қарашларни шакллантира олаётган восита сифатида ҳам қаралмоқда. Хўш, бу борада оммавий ахборот воситалари жамиятдаги ижтимоий қарашларни шакллантира олаётими?

Айтиш керакки, мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади, бўлиб, мавзудаги журналистик материаллар ҳам кам эмас. Бироқ уларнинг аксарияти ўта расмий тилда баён этилган ва жумлалар аудитория учун мураккаб, шунингдек, материалларда ортиқча гаплар кўп.

Ёш авлод вакили сифатида шунга айтишим мумкинки, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида тайёрланган журналистик материалларнинг юқорида таъкидланган камчиликлари боис, аксарият тенгдошларимиз уларни ўқиш, кўриш ёки тинглашни истамайди. Кўпинча тенгдошларимиз босма нашрларни сўнгги саҳифаларидан ўрин эгаллаган ҳажвиялар, мунажжимлар башорати ва шу каби содда баён этилган матнларни ўқиб, интерактив теле-

радио дастурларни кузатиб боради. Шундай экан, ҳуқуқий билимларни сингдиришда аудиториянинг ёши ва унинг саводхонлик даражасини ҳисобга олишнинг вақти келмадимикан?

Фикримизни исботлаш мақсадида кичик ижтимоий сўровнома ўтказдик. Матбуотда акс этган мавзуда доир биргина жумлани намуна тарзида олдик ва 160 нафар тенгдошимиздан уни қандай тушунганлари ҳақида сўрадик. Жумла қуйидагича: "Ярашув ва ҳабеас корпус институтларининг жорий қилиниши, санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан суд органларига ўтказилгани суд-ҳуқуқ тизими қиёфасини янада инсонийлаштирди".

Натижада, иштирокчиларнинг атиги 12,5 фоизи (20 нафар қатнашчи) айтилган фикрни тўғри таҳлил қилиб беради. Уларнинг 38 фоизи матннинг қисман мазмунини ифодалаб берган бўлса, 49,5 фоизи "Вой-бу, намунча узун жумла, рост, тушунмадим", — деб қўя қолди. Бундан хулоса шунки, бундай матнлар барча ёшларга тушуниши осон бўлиши учун соддароқ жумлалардан фойдаланиш тақозо этилмоқда. "Ҳаётнинг, тилнинг, одатларнинг соддалиги

халққа куч беради. Уларни мураккаблаштириш эса, халқни мағлубият сари етаклайди", деган эди машҳур адиблардан бири. Шу жиҳатдан қисқалик ва оддийлик нафақат ҳозирги давр журналистикасига, балки ҳаётимизга ҳам керак.

Яқинда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ахборот хизмати ходими билан бўлган учрашувда иштирок этдим. Унда мутахассис аҳоли миллий ахборот манбаларидан қўра, хорижий сайтларни кўпроқ кузатиб, уларнинг маълумоти таянаётганини айтди.

Хўш, бундай ҳолатнинг сабаби нима? Миллий ва ўзбек тилидаги хорижий сайтларни қўздан кечириш ҳамда уларни ўзаро таққослаганда муаммо нимада экани дарҳол кўринади. Хорижий сайтларнинг ютуғи шундаки, уларда маълумотлар расмий қолип асосида эмас, содда ва раван, ҳаммага тушунарли тарзда берилади. Аксарият миллий сайтларимизда эса, бунинг акси: барча янгиликлар бир хил, муайян қолип асосида тайёрланган, воқелик ўта расмий тилда баён этилади. Шундай бўлгач, ёшлар аудиториясининг қайси ахборот манбаларига мурожаат қилаётганини тушунсак бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқий китоблар содда, раван ва халқчил тилда "гапирала олса" гина биз мақсадга етамиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони
Мавлуда ИСМАТОВА

Мамлакатимиз халқ таълими соҳаси оғир жудаликка учради. Таниқли педагог, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова 2018 йил 11 май куни 75 ёшида вафот этди.



М.Исматова 1943 йил 7 майда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг тарих-филология факультетини тахсил олди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1968 йилда Тошкент туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан бошлаган синф ўқитувчиси сифатида бошлади. 1975-1979 йилларда ушбу таълим масканида она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор

ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. 1983 йилда у Тошкент шаҳрининг Юнусов туманидаги 273-умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинланди ва умрининг охирига қадар шу даргоҳда самарали иш олиб борди.

М.Исматова 50 йилдан зиёд педагогик фаолияти давомида ўзини моҳир ўқитувчи, ёшларнинг сеvimли устози, ўқув-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиш, таълимни ҳаёт ва амалиёт билан уйғунлаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш бора-

сида катта салоҳиятга эга бўлган билимдон мутахассис сифатида намоён этди. Ана шундай эзгу фазилатлари билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида кенг қўламини ислохотларни амалга оширишга, ёш авлоднинг ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб хисса қўшди. Фидойий педагог раҳ-

барлик қилган мактаб билан неча бор "Йилнинг энг яхши мактаби" сифатида эътироф этилган бўлиб, унинг педагогик тажрибаси мамлакатимиз миқёсида кенг ўрганилиб, омма-лаштирилган.

Бой билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган М.Исматова жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, эл-юрт ўртасида катта обрў-эътибор қозонган эди.

М.Исматованинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1995 йилда "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони, 1999 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони билан мукофотланган эди.

Моҳир педагог, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Мавлуда Исматованинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов, А.Арипов, У.Иноят, Т.Азларов

HUNAR — ZAR

ХОРИЖДА ИШЛАШГА
сабаб йўқ

БОБОРАВШАН

Алломиш бандиликка ётганида чанқовуз ясаб, уни чўпонга беради ва бозорда чалишини сўрайди. Шу тарихи Қалмоқнинг маликаси Товқаюм ўша чанқовузнинг нолисига маҳдиё бўлади ва уни келиб кўради. Сўнг Ҳажиббекнинг либосидан бир парчан олиб, Бойчиборга қилатади. Эгасининг тирикчилигини билган тулпор Алломишни чоҳдан олиб чиқди. Халқ оғзаки ижодиимиз бисотидаги машҳур достонни бежиз ёдга олмадик. Зеро, Алломиш илму ҳунардан бохабарлиги боис, ўхшаши йўқ куй таратувчи сеҳрига соз ясай олган. Умуман, миллий фольклоримиздаги жуда кўп қаҳрамонлар бирон-бир ҳунар эгаси бўлган. Бу эса, ёшларга ҳунар ўргатиш халқимизда азалдан қадрият даражасига етганидан далолат беради.

Шу боис хорижда ишлашни йиғиштириб, уйда хунармандлик билан шуғуллана бошладим. Мана икки йилдирки, қўллардан сопол идиш олиб унга нақш чизаман. Ишимни кўрган сингилларим бу хунарга қизиқиб қолди. Илк шогирдарим улар бўлди. Сўнг қўшини йигит-қизлар ҳам наққошлик санъатини ўрганиш истагини билдирди. Ҳозир сингилларим билан саккиз нафар йигит-қизга хунар ўргатаёپмиз. Қисқа муддатда улар мустақил ишлай оладиган хунарманд бўлишига ишонман. Очиғи, уларнинг

иштиқини, ишимиз унумини кўриб, хорижда кетмасдан шу ишни бошлаганимда, ҳозир бундан-да яхши ютуққа эришган бўлардим, деб уйлайман... Англадимки, афсусланишдан кўра, янги марра сари одимлаган дуруст экан. Дарҳақиқат, астойдил меҳнат қилишни истаган киши учун хориждан иш ахтаришга сабаб йўқлигини Сардорбек исботлади. Бугун унинг орзулари бисёр! Зеро, С.Султонов халқро кўргазмаларда иштирок этиб, амалий санъатимизни янада кенг тарғиб этишни истади. Шу билан бирга, яна кўплаб ёшларга устозлик қилиш ниятида.

С.Султонов икки йил мобайнида устозидан сопол идишга нақш чизиб сирини ўрганди. Шундан сўнг яна бир хунарманд уста Икромжон Қамбаровга шогирд тушди. Орадан тўрт йил ўтиб эса, устозлар фотиҳасини олди. Аммо ёшлик, қизиқиб устун келиб бир муддат хорижга кетди. — Юрт соғинчи, яқинлар дийдорига ҳеч нарса тенг келмайди, —

Риштонлик Сардорбек Султонов ҳам хунари сабаб ўз йўлини топганлардан. Мактабда ўқиб юрган чоғида амакиси уни моҳир наққош Мавсумжон Мамажоновнинг ёнига

ЕНТИРОМ

ДИЛДА ҚУВОНЧ, ТИЛДА ШУКРОНА

Бекзод шахрида "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси амалга оширилди.

Бекзод ҚОДИРОВ

Ёшлар иттифоқининг "Ўзбекистон металлургия комбинати" очик ақшадорлик жамиятидаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган тадбир доирасида ҳудуддаги уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди.



Йигит-қизлар улар билан сўхбатлашиб, кўнглини кўтарди. Нурунийлар ёшларга уруш даври ҳақида сўзлаб берди. — Дилмида қувонч, тилимда шукроналик, — дейди уруш қатнашчиси Загит бобо Давлетханов. — Бизга кўрсатилаётган эътибордан бошимиз



кўкка етди. Айниқса, ёш авлоднинг ҳурмат-эътиромни ўзгача. Уйимизга келган навниҳоллар билан сўхбат қўриб, ўзимни ёшаргандек ҳис қилдим. Шу кунларга

етказганига минг бор шукр. Лойиҳа давомида комбинат ходимлари фахрийларни табриклаб, уларга эсаалик совғалар топширди.

ANJUMAN

МИРОБОДДА ИШЛАР ҚИЗГИН

Санжар ЭШМУРОДОВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Миробод туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мақсадли вазифаларнинг ҳудуддаги амалиётга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими Шўҳрат Пулатов иштирок этиб, ҳудудни жорий йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида оммавий ахборот воситаларига маълумот берди. Ҳокимнинг маълум қилишича, туманда таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига алоҳида эътибор қарати-

япти. Хусусан, бу ерда лойиҳа қиймати 2 миллион 500 минг долларга тенг бўлган "Orion medicity" кардиология маркази барпо этилмоқда. Шу билан бирга, жорий йилда "Билур савдо плюс" масъулияти чекланган жамияти томонидан болалар даволаши маркази фойдаланишга топширилди. Айни пайтда барча оилавий поликлиникаларнинг моддий-техник базаси янги-

ланмоқда. Бу эса, аҳолининг тиббий хизматларга бўлган талабини қондириш йўлида хизмат қилади. Юртимиздаги барча ҳудудлар сингари Миробод туманида ҳам янги ва замонавий мактабгача таълим муассасалари барпо этилиб, мавжудлари модернизация қилинмоқда. 2018 йилнинг ўтган даври мобайнида 25 та муассаса қайта таъмирланди. Апрель ойида

"Tashkent pre-k school" хусусий боғчаси ишга тушди. Яқин кунларда "The school", "Manzuga — ziyo", "Jajji bolakay", "Afilotun bolalari", нодавлат болалар боғчалари иш бошлайди. Шунингдек, барча умумтаълим мактаблари электрон доска, замонавий технология ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Анжуман давомида ҳоким бошқа соҳаларда қилинаётган ишлар ҳусусида сўз юритиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

IMKONIYAT

АСҚАР ЕРЛИ БЎЛДИ

Акмал ТУРСУНОВ

Тараққиёт юқалиб бораётган бугунги кунда мамлакатимизда бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, аҳоли орасида ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган чоратадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳа ривожланиши учун қўмак бериш, амалий ёрдам кўрсатиши шаҳар ва туманлардаги аҳоли учун кенг иш ўринлари яратиб устувор вазифаларга айланган. Бироқ соҳада ҳанузгача ортиқча сарсонгарчилик, қорғозбозлик ҳолатлари учраб турибди. Хатирчи туманида истиқомат қилувчи "ТУЛОБОД БОҒИ ЧАМАН" масъулияти

чекланган жамияти раҳбари Асқар Тешаев ҳам ўз фермерлик фаолиятини йўлга қўйиш, боғдорчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида ер майдони ажратиб беришларини сўраб, тумандаги бир қанча тегишли таъкилотларнинг эшигини қоқди. Унинг муаммоси ҳар сафар турли баҳоналар билан ҳал этилмасдан қолаверди. Бундай ахволдан ҳафсаласи пир бўлган тенгдошимиз Ёшлар иттифоқининг Навоий



вилояти кенгашига ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши ҳамда Иттифоқнинг Хатирчи тумани кенгаши масалани ўрганиб чиққач, унга ҳудуддаги "Олтинсой" массивидан 15 гектар ер берилди. — Ёрдам учун

Ёшлар иттифоқидан миннатдорман, — дейди А.Тешаев. — Энди бу ерда янги технология асосида интенсив боғ барпо этмоқчиман. Бу орқали тенгқурларим бандлигини таъминлаш билан бирга, аҳоли дастурхонига сифатли маҳсулотларни етказиб бераман.

KUN MAVZUSI

НОРИН: ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ АҲВОЛИ РУҲИЯМИЗГА БОҒЛИҚ

Норин туманида ёшлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли турмуш маданиятини янада яхшилаш мақсадида республика ишчи гуруҳи фаолият олиб борапти



МУЛОҚОТ — МУАММО ҲИМИ

Дастлаб тумандаги Ёшлар марказида очик мулоқот ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қажрамон Қуранбаев,

экан, маданий-маърифий тадбирлар ва ижодий кечалар ўтказиш, театр ҳамда концерт дастурларини ташкиллаштиришда амалий кўмак сўради. Ёшлар етакчиси уларнинг тақлифларини қўллаб-қувватлаб, келгусида туманда, албатта, театр ва музейлар барпо этилишига ваъда берди.

мулоқот унинг фойдасига хизмат қилди. Темурубек тадбирда сўзга чиқиб, мавжуд аҳтиёжи ва муаммосини батафсил баён этди. Мазкур масала юзасидан Ёшлар етакчиси йўл-йўриқ кўрсатиб, унинг хонадонига ташриф буюрди. Мавжуд ҳолат билан танишиб, тенгдошимизга ер бериш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди. Эндликда Темурубекнинг ҳужалигида нафақат қуён, балки наслдор қўйлар ҳам боқилади.



вилоят ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича уринбосари, туман мутасаддилари, хуауддаги тижорат банклари ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Мулоқот якунида “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан суратта олинган бадиий фильм намойиш этилди.

ТЕМУРБЕКНИНГ ОРЗУСИ РЎБҒА ЧИҚДИ

Кимдир ёрдамга муҳтож бўлганда унга қўл узатиш, мушкулни енгиллатиш, қўллаб-қувватлаш хайридир. Темурубек Мўминов хонадонидан 100 дан зиёд турли зотдор қуён ва паррандаларни парвартирилди. Фаолиятини янада кенгайтириш нияти бўлса-да, имконсиз эди. Қажрамон Қуранбаев билан ўтказилган очик



“ЁШЛАР ПОЧТАСИ” ИШ БОШЛАДИ

Ақсар ҳолатларда катталар ёшлар ҳақида гапирганда, уларнинг китоб мутулаа қилмаслиги, бирор марта газета ва журналларни варақламаётганидан нолияди. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, сеvimли нашрига обуна бўлиб, унинг келишини ҳафталаб, баъзида ойлаб кутадиганлар ораимизда йўқ эмас. Авваллари, кимдир хорижа борса, босма нашрларнинг ҳар кунини уйлар олдига ташлаб кетилишини кўрганини ҳайрат билан сўзларди. Норинликлар ҳам бу билан фахрланса бўлади. Энди улар обуна учун сарф-харажат қилиб, унинг келишини кутиб, йўл пойламайди. Қандай қилиб дейсизми?

Самимий ва кўтаринки руҳда ўтган учрашувда мурожаатлар тинглашиб, уларнинг ақсарияти жойида ҳал этилди. Шунингдек, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, айни пайтга-ча хуауддаги маданият ва истироҳат боғи ачинарли аҳволда эди. Шу сабабли бу ерда қайта қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Мулоқот давомида тумандаги тадбиркорлар мазкур жараёнга кўмак бериш тақлифи билан чиқди. Бу гоя қўллаб-қувватлашиб, масъулларга бу бордада тегишли топшириқлар тақсимланди. Тадбиркорларга боғда имтиёзли фаолият олиб боришга рўхсат берилди. Тез орада бу маскандан Мўмина Суярова китоб дукони очиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Норин туманини ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида республикадаги намунали туманга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қажрамон Қуранбаев бошчилигидаги иш бошлаган 13 та гуруҳ ижтимоий-маънавий муҳитини, аҳоли, айниқса, ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва дунёқарашини юксалтириш, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ва улар орасида тиббий маданиятни шакллантириш борасидаги масалаларни ўрганмоқда.

Узбекистон ёшлар иттифоқи Норин тумани аҳолисининг кундалик ахборотлар билан яқиндан таништириш, республика нашрларининг уларга ўз вақтида етиб боришини таъминлаш мақсадида “Ёшлар почтаси”ни ташкил этди. Лойиҳанинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, ёш почтачиларга ўнта велосипед тақдим этилди. Шунингдек, норинликлар Иттифоқ муассасидаги нашрлар ва “Халқ сўзи” газетасига белуа обуна қилинди. Энди тумандаги 57 маҳалладаги хонадонларга газета ва журналлар ўз вақтида етиб боради.

УЛАР ЭНДИ ХОРИЖДА ИШЛАМАЙДИ

Ҳар бир ёш тақдирига алоҳида эътибор билан қараш, уларнинг муносиб шароитларда ўқиши, ишлаши учун барча зарур чораларни кўришни ўз олдига мақсад қилган Ёшлар иттифоқи бүгун йигит-қизларнинг муаммоларини ўрганиб, уларнинг қалбига йўл топишга уринапти.

Норинлик Гўзал Сайдиалиева ўқиси Иқболжон билан мана неча йиллардан буюн иш излаб хорижага катнайдди. Ўзга юрдада шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Иш излаб ўзга юрда мусофирчиликдан азият чеккан опа-уканинг топганида барака бўлмас, совуқ ўлкаларнинг таъсирида соғимини ҳам йўқотаётгани.

тушқунликка тушиб, укамни етаклаганча ўзга юртларга ошқидим. Аммо ҳеч қайси манзил, ҳеч қайси маскандан қанча шароит бўлмасин ўз уйинг, Ватанингдек бўлмас экан. Бегона юртнинг гўзалликлари ҳам бегона бўларкан.

СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ

Жисмонан соғлом инсонгина маънавий баркамолликка, оилада, иш жойида ижобий муҳитни қарор топтиришга интилиб яшайди. Инсон ўз саломатлиги учун нафақат ўзи, балки ҳозирда жамоатчилик билан ишловчи ташкилотлар ҳам қайғурмоқда. Чунки миллат соғлом бўлса, мамлакат юксалиши тайин.

Ишчи гуруҳи туман тиббиёт бирлашмаси тизими-

Ёшларнинг мактаб, мактабгача таълим, банглик, уй-жой ва бошқа соҳаларда аниқланган 873 та муаммоли мурожаатлари Норин туманида намунавий ишлаб чиқилаётган “Ёшлар – Ўзбекистон келажаги” дастури лойиҳасига киритилди.

даги патронаж шифокор ва ҳамшираларни жалб этган ҳолда 42 та маҳалла фуқаролар йиғинларида тарғибот тадбирлари ўтказди. 20 та муассасада саломатлик бурчаклари ташкил қилиб, видеороликлар намойиш этилди.

Тарғибот тадбирларида фақат назарий маълумотлар, тавсиялар бериш билан чекланилмади. Қишлоқ оила-



Шу кунга қадар 3 минг 515 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий-кўриқдан ўтказилди.

нинг ёнида меҳнат қилиш имконига эга бўлди. — Айни пайтда нималарни ҳис этаётганимни тасвирлаб беролмайман, — дейди Гўзал Сайдиалиева. — Бу кунларни узоқ кўтим. Мутахассислигим бўйича иш тополмай, ўқишни давом эттиролмай,

вий поликлиникаларида уч мингдан зиёд аҳоли чуқурлаштирилган тиббий-кўриқдан ўтказилди. Эътибор ҳар қандай кишини тўққинлантиради. Аҳоли бугун уларга кўрсатилган чексиз эътибордан мамнуна туйди,



Тиббий кўриқлар натижасида аниқланган беморларнинг 335 нафари амбулатор ва 18 нафарини эса, стационар даволанишга юборилди.

кўзлари севинч орлади. Бу каби савобли ишлар бардавом бўлишига тилак билдириди.

Саломатлик ўз навбатида спорт билан ҳам узвий боғлиқдир. Айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларни маънан ва жисмонан соғлом қилиб камолга етказиш давлатимиз раҳбариятининг бош мақсадларидан. Шу ниятда ишчи гуруҳ мазкур соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Тумандаги “Янги тонг”, “Катта ўлма” МФЙларда спортнинг бокс ва бадиий гимнастика турларидан мусобақалар ўтказилди. Унга 150 нафар ёш қамраб олинди.

7 ёшдан 70 ёшгача бўлган, жами 10 минг нафарга яқин аҳоли ўртасида ўтказилган марафонда голиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

НАМУНАЛИ МАКТАБ ФАОЛИЯТ БОШЛАЙДИ

Ишчи гуруҳи аъзолари туман Ёшлар марказида умумтаълим мактаблари директорлари ва Иттифоқнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари билан учрашди. Учрашув давомида ўқувчи-ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан таништириш, уларни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида сўз юритилиб, таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича топшириқлар берилди.

Учрашув давомида тумандаги Норинкапа қишлоғида жойлашган 40-умумий ўрта таълим мактабининг барча йўналишлар бўйича энг намунали мактабга айлантириш юзасидан ташкилий ишлар бошланиб, таълим муассасаларидаги барча тарғибот воситалари, ўқув адабиётлари ва ўқув-ус-

лубий воситалари бўйича ягона умумий қондалар йиғинидан (низом) лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тадбир давомида 7 та касб-хунар коллежи ва бир академик лицейда катта кино экранлари ташкил этиш, мазкур таълим даргоҳларининг барчасидаги спорт залларидан оқдий аҳоли, айниқса, уюлмаган ёшларнинг эркин фойдалана олишини йўлга қўйиш ишларини амалга ошириш ва уларнинг давомийлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.



24 нафар йигит-қизга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 205 миллион 500 минг сўм имтиёзли кредит берилди.

САЁҲАТ МАЗМУНАИ ҲАҚИ

Саёҳат ўз яқинларингиз билан бўлса, унутилмас бўлади. Мароқли сайр инсонни янги гоаялар устида ишлашга ундайди. Мазкур фикрга таянган ҳолда ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, аждодалар меросини ўрганишга қизиқтириш ҳамда ички туризмни ривожлантириш мақсадида Норин туманидаги 70 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва тарбияси оғир йигит-қизлар

учун Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқжон тура Ибрат мажмуасига саёҳат уюштирилди.

Ёш авлод вақиллари мажмуани зиёрат қилиш билан бирга, юртимиздаги илк матбаачилардан бири, бир неча тилни пухта билган маърифатпарвар Исҳоқжон тура Ибрат ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

“ПСИХОЛОГ ҚАБУЛЛАРИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Инсон жамиятда яшар экан, унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқе эгаллашга ҳаракат қилади. Бу йўлда интилиш, лаёқат ва фаоллик намойиш этади. Шу маънода инсонларнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий муносабатларнинг табиатини ўрганишда психология муҳим ўрин тутайди.

Ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясининг таъсирчан механизмларини жорий этиш, шахсининг маънавий камол топишини психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятда психологик билимларни кенг тарғиб этиш мақсадида ишчи гуруҳи таркибидаги психологлар Норин туманидаги 10 та ижтимоий объектлар, 3 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 8 та корхона ва ташкилотлар ҳамда 12 та таълим муассасаларидаги умумий ҳолат ва мавжуд муаммоларни ўрганди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ДАБДАБАСИЗ ДАВРАДА НУР БЎЛАДИ

Оттабек БАКИРОВ

Утган ҳафта қариндошимиз ўғлини уйлантирди. Ихчам туй сабаб биз уйда қоладиган, катталар базмга борадиган бўлди. Эртасига онам таассуротлари билан бўлиши. У туйда фақат яқин қариндош ва қўшнилар иштирок этгани, дастурхоннинг ортиқча сарф-харажати, бамавни тузалгани, шунингдек, келин-куёвлар учун урфа кирган "love story" дегани намойиш этилмасдан ҳам ҳавас қилгулик

базм бўлганини қайта-қайта гапирарди.

Энг муҳими, базм дастурхонига спиртли ичимликлар тортимабди. Туй тинч, саранжом ўтибди. Онам шоирларимиздан бирининг дабдабасиз даврада нур бўлади, деган фикри нечоғлиқ ҳақиқат эканига ургу берди.

Зум ўтмай, онамнинг авзойи ўзгарди. Саволомуз тикилиб турганимизни кўриб, давом этди. Спиртли ичимликлар йўқлигини баъ-

зи меҳмонлар ғийбат қилиб, хунук ишга йўғанидан аччиқланди.

Очиги, бундан нолиган одамларнинг майда нарсаларни ўзига меъёр қилиб олганидан жуда хафа бўлдим. Наздимда улар шундай асоссиз "одат"лари билан ўзларини қийнаб, ҳаётини мураккаб-лаштиради...

Тўйдан бир ҳафта утар-ўтмас кўёвнинг ота-онаси Умра зиёратига жўнаб кетди...

YOSHLIK ILHOMI

Муҳаммадхон ЮСУПОВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

— Дарс тушликка қолмай тугайди, дейишганди-ку, мунча кеч чиқмасанг? Мактабдан югуриб чиқиб келаётган етти-саккиз яшар болакай эса, тоғасининг саволига эътибор қилмай, хушчақчақ қиёфада унинг қўлидан тутди.

ЎЙИН

— Бугун сизларни кимга боришимизни қаёқдан билдингиз?

— Билдим. Мен ҳамма нарсани билман.

Болакай айёрога кулиб қўйди.

— Йўқ, ҳаммасини эмас!

— Ҳамма нарсани!

— Унда нега доим: "Дадаг опамни урмайтими?", деб ўзимдан сураб олмасиз? Нега бунга ўзингиз билмайсиз?

Тоғанинг қиёфаси бир зумда ўзгарди. Аммо ундан астойдил жавоб кутганича тикилиб турган болакайга қарамади.

Бошқа томонга юзини бурди-да,

чиқадиган йўналишда одимлай бошлади.

Улар катта йўлга туташган пиёдалар йўлагига етганида тўқнашди.

— Ассалому алайкум, — салом берди аёл.

— Салом, яхшимисан? — жавоб берди эркак ҳам ундан кўз узмай. — Анчадан буён кўришмаганим, ўзгариб кетибсан.

Зўрға танидим.

— Йўқ-е, — синиқ табассум қилди аёл. — Балки. Сиз ҳам анча тўлишибсиз.

Эркак ҳам мийиғида кулиб



узигагина эшитиладиган қилиб шивирлади:

— Дадагнинг қачон жин урақолишини ким ҳам биларди...

— Нима? — суради болакай.

— Ҳеч нарса, — жиддий оҳангда жавоб қайтара бошлади у. — Шунчаки, ойинг менга телефон қилиб, "Ҳамма нарсага қизиқаверадиган жиянингги мактабдан олиб келарсан. Аммо аҳмоқона саволлар берса ёки гапинга кирмаса, ташлаб келавер!" деди.

Боланинг табассумига шубҳа аралашди. У индамай одимлашда давом этди.

Улар катта йўл бўйига қўйилган машинага яқинлашаркан,

тоғанинг кўзи мактаб формасидаги кичкина қизалоқни етаклаганча майда қадамлар билан шо-ши йўлни кесиб ўтаётган аёлга тушди. Уни кўра-ю, бошлари чимчирилиб, таққа тўхтади:

— Жиян, ўйин ўйнашни истайсанми?

— Албатта, — деди болакай кўзлари қувнаб. — Аммо сизларникида ўйнагани ким ким йўқ-ку!

— Йўқ, шу ерда, иккимиз ўйин ўйнаймиз. Сен мени "дада" деб чақирсан, мен сени "ўғлим" дейман. Келмишми?

— Ие, нега? — ҳайрон бўлди болакай.

— Мени уйга борганимизча шундай чақир, хўп? Агар айтганимни қилмасанг, биласан-а, ойинг айтгандек ташлаб кетаверим ҳам мумкин.

Болакай юзини бўжмайтириб, итоаткорона оҳангда хўп, деб жавоб берди.

Тоға дарров қадини ростлаб аёл томонга қаради. У эса, шу заҳоти унга тикилган кўзлардан ўзини олиб қочди. Аммо қизчани етаклаганча улар тарофга қараб келаверди. Тоғая жиян ҳам уларнинг йўлини кесиб

қўйди.

— Қизинг... Қизинг ҳам кап-катта бўлиб қолибди? — қисқа сукутни бузди у аёлни кўлини маҳкам ушлаб олган қизалоққа ишора қилиб.

— Ҳа, мактабдан қайтганимиз. У дабларини хижолатомуз тишлаб, бир зум жим қолди.

— Ҳурсандман, сизни кўрганимдан эса, икки қарра.

Эркак аёлни унга тикилиб турган кўзларига қаради:

— Мен ҳам... Жуда... Тақдир экан, биз ажойиб ота-она бўлардик.

Аёл табассум қилиб кўзларини олиб қочди:

— Қайдам. Аммо, юлдузи-юлдизига тўғри келмас... Бари бейфойда экан-да. Наиллоҳ...

— Дада, — кутиммаганда суҳбатга аралашди болакай. — Кеч қолашди. Ойин кутиб қолади.

Эркак бу гапни эшитиб, аёлга қаради. Унинг кўзлари намлана бошлаганини кўрди. Аёл ҳам бунга пайқади, чоғи, дарров бошқа томонга қараб олди, асабий аланглай бошлади.

— Хоҳласанг олиб бориб қўяман, — таклиф қилди эркак.

— Йўқ-йўқ, биз ҳали дўкон айланмоқчи эдик. Сизларни йўлдан қўймайлик.

Кўз ёшларини суҳбатдошдан яширган аёл ундан узоқлашди. Машина ўт олганича бир-икки қадам қўйди. Қўзгалганида эса, яна тўхтаб уларни нигоҳлари билан "кузатиб" қўйди. Улов бутунлай кўздан ғойиб бўлганда эса, аёл тинчланди. Ёшларини артиб, енгидан оҳиста тортқилаётган қизалоққа ўғирилди.

— Устоз, — деди қизча паст ва хомуш оҳангда. — Энди гапирсам бўладими?..

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ



Саволга Мактабгача таълим вазирлигининг матбуот котиби Тўра Тўраев жавоб беради:

— Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳрида жорий йилининг сентябрь ойида янги ўқув йилидан Жанубий Кореянинг Пучон университетининг филиали

— Маълумотларга кўра, пойтахтимизда мактабгача таълим соҳаси вакиллари тайёрлаш мақсадида Жанубий Корея университетларидан бирининг филиали иш бошлаши кўзда тутилган экан. Шу ҳақда кенгроқ маълумот берсангиз.

Марина УМЕРОВА
Тошкент шаҳри

фаолиятини бошлайди. Таълим масканида тўртта факультет бўлиб, биринчи йилда тахминан 240 нафар талаба ўқишга қабул қилинади. Улар уч йиллик бакалаврият йўналиши бўйича таҳсил олади. Бундан ташқари, юртимизда мазкур университет филиали қошида мактабгача таълим

муассасасини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек соҳа вакиллари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ҳам иш бошлайди.

Пойтахтимиздаги Пучон университети филиалининг бакалаврлари Жанубий Кореяда магистрик даражасини олиши мумкин.

E'OLON

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА БЎШ ИШ ҲАМ ҲАЖИРА КАДРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МААКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИ

Харидлар бўлими бўлими вазифалари:

— Иттифоқ марказий кенгаши аппарати ва тизимни ташкилловчи учун товар моддий бойликларга бўлган талабни ўрганиш;

— Марказий Кенгаш аппарати томонидан харид қилинадиган товар моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар харидини ташкиллаштириш;

— товар моддий бойликларни тегишли ҳудудларга етказиш ва ходимларни ҳудудларга бориши масаласида логистикасини таъминлаш.

Бўлим бошлиғига қўйилган асосий талаблар:

— маълумоти олий, молия-иқтисод йўналиши бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган, харидлар тизимидаги қонунчилик талабларини билиш;

— давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида харидларни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда логистика ишларини ташкил этиш бўйича 5 йилдан кам тажрибасига эга бўлиш, савдолашш қобилияти мавжудлиги;

— ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиш;

— компьютер саводхонлиги: MSWord, Excel, Project; 1 C бухгалтерия ва ҳ.к;

— 35 ёшдан ошмаган, ҳалол ва хушмуомала бўлиш.

бўлиш, савдолашш қобилияти мавжудлиги;

— ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиш;

— компьютер саводхонлиги: MSWord, Excel, Project; 1 C бухгалтерия ва ҳ.к;

— 40 ёшдан ошмаган етакчилик қобилиятига эга, ҳалол ва хушмуомала бўлиш.

Бош мутахассисга қўйилган асосий талаблар:

— маълумоти олий, молия-иқтисод йўналиши бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган, харидлар тизимидаги қонунчилик талабларини билиш, савдолашш қобилияти мавжудлиги;

— давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида харидларни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда логистика ишларини ташкил этиш бўйича 5 йилдан кам тажрибасига эга бўлиш, савдолашш қобилияти мавжудлиги;

— ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиш;

— компьютер саводхонлиги: MSWord, Excel, Project; 1 C бухгалтерия ва ҳ.к;

— 35 ёшдан ошмаган, ҳалол ва хушмуомала бўлиш.

Етақчи мутахассисга қўйилган асосий талаблар:

— маълумоти олий, молия-иқтисод йўналиши бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган, харидлар тизимидаги қонунчилик талабларини билиш;

— давлат идоралари, ННТ, ХМИлари ва тижорат тузилмаларида харидларни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда логистика ишларини ташкил этиш бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиш;

— ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиш;

— компьютер саводхонлиги: MSWord, Excel, Project; 1 C бухгалтерия ва ҳ.к;

— 35 ёшдан ошмаган, ҳалол ва хушмуомала бўлиш.

Номзодлардан қўйилган ҳужжатлар талаб этилади:

— маълумотнома (объективка);

— паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар нусхаси.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлар жадалига асосан. Қўшимча тўловлар бўйича маълумотларни суҳбат жараёнида олиш мумкин.

Иш тартиби: душанбадан — жумагача, 9:00 дан 18:00 гача.
Маълумотларни қуйилган электрон манзилларга юлдош мумкин:
email: s.maksudov@yi.uz, b.hamroyev@yi.uz

МУАССИС

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.



БОШ МУҲАРРИР

Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Камолiddин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар

Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович

Навбатчи

Тўмарис Бутунбаева

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва сақифланди.


PSIXOLOG MASLAHATI

— Дам олиш кунларида ҳорлик чиқариш ўрнига, аксинча, жуда ҳам чарчайман. Бу кун шунчалик тез ўтиб кетадики, ҳаттоки унинг қисқалигидан асабийлашаман. Нима қилсам, дам олиш куним мароқли ва сокин ўтади.

Ситора АЗИМОВА
Самарқанд вилояти

Саволга психолог Акобир АБДУЛАЕВ жавоб беради:

— Барча муаммо дам олиш кунини яхши ташкил қила олмаганингиз натижасида келиб чиқади. Маслаҳатим, бу кунни бошлашдан аввал, ўзингиз учун режа тўзиб олинг. Тонгни сайр билан қаршиланг. Табиат билан



яқинроқ бўлинг. Яқинларингизнинг ҳолидан хабар олиб, улар билан суҳбатлашинг. Асосий ишингиз ақлий меҳнат билан боғлиқ бўлса, бу кунни жисмоний меҳнат билан шугулланг. Икмон қадар телефон, телевизор ва ижтимоий тармоқлардан йироқ бўлинг. Улар кунингизни ўғирлаши-

га йўл қўяман. Бундан ташқари, бирор яқин инсонингиз билан театрға тушсангиз ёки сокин ва ёқимли мусиқа эшитсангиз ҳам кайфиятингиз кўтарилиб, ўзингизни хотиржам ҳис этасиз. Муҳими, кунингиз мазмунли ўтиб, душанба кунини ишга янги иштиёқ ва гоёлар билан босасиз.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида,
А-2 форматда чоп этилди. Ҳақми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоюн келишилган нарҳда.
Буерма Г. 536
Адаб — 22476
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.35
ЎЗА яқуни — 21.35
Офсет усулида босилган.